

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МАТНАЗАРОВ ХАЙРУЛЛА ЮЛДАШОВИЧ

**ЁШ СУЗУВЧИЛАРНИ ДАСТЛАБКИ ИХТИСОСЛИК БОСҚИЧИДА
САРАЛАШ УСЛУБИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Матназаров Хайрулла Юлдашович

Ёш сузувчиларни дастлабки ихтисослик босқичида саралаш

услугиятини такомиллаштириш3

Матназаров Хайрулла Юлдашович

Совершенствование методики отбора юных пловцов на этапе

предварительной специализации27

Matnazarov Khayrulla Yuldashovich

Improving the selection methodology of young swimmers for the stage of

preliminary specialization51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МАТНАЗАРОВ ХАЙРУЛЛА ЮЛДАШОВИЧ

**ЁШ СУЗУВЧИЛАРНИ ДАСТЛАБКИ ИХТИСОСЛИК БОСҚИЧИДА
САРАЛАШ УСЛУБИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped836 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uzdjtsu.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кдирова Мухаббат Алланиязовна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Усмонходжаев Талат Саидович
педагогика фанлари доктори, профессор

Краснова Галина Мансуровна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.:(0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76; веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail:uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Б” биноси, 2-қават, анжуманлар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.:(0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди. (2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби п.ф.б.ф.д.(PhD), доцент

Ф.А.Керимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда спорт амалиёти ва спорт соҳасидаги қатор илмий тадқиқотлар сузиш спортида юқори натижаларга эришишда ўзига хос морфологик хусусиятлар, юқори даражадаги жисмоний ва психологик қобилиятлар, юқори техник ва тактик маҳорат ҳамда тайёргарлик жараёнларини тўғри ташкил қилиш ва бошқариш катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Бундай ўзига хос қобилиятлар мажмуасининг барча шуғулланувчиларда кузатилмаслиги иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва уларни йўналтириш ҳамда сузувчиларнинг тайёргарлик жараёнини шуғулланувчиларнинг ёши ва биологик ривожланишига боғлиқ ҳолда ташкил қилиш муаммолари нақадар мураккаблигидан далолат беради.

Дунёдаги кўплаб мамлакатларда сузиш билан шуғулланувчи спортчиларни тайёрлаш тизимини замон талабларига мослаштириш юзасидан кенг қўламли илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бироқ, айнан дастлабки ихтисослик босқичида шуғулланувчи ёш сузувчиларни саралаш тизимини ташкил қилиш ва сузиш спортида келажакда юқори натижаларга эриши мумкин бўлган иқтидорли сузувчиларни аниқлаш ва уларнинг тайёргарлик жараёнларини ташкил қилиш батафсил ёритилган илмий ишланма ва тажрибаларнинг етишмаслиги кузатилмоқда. Дастлабки ихтисослик босқичида сузувчиларни индивидуал имкониятларни инобатга олган ҳолда саралашнинг мажмуавий меъзонларини ишлаб чиқиш масалалари етарлича ўрганилмаганлиги сабабли дастлабки ихтисослик босқичидан чуқирлаштирилган ихтисослик босқичига ўтиш жараёнида натижаларнинг пасайиши вужудга келмоқда. Таъкидлаш жоизки, дастлабки ихтисослик босқичида шуғулланувчи сузувчиларни саралаш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг мажмуавий ўрганилмаганлиги ва илмий асосланган тавсияларнинг йўқлиги соҳа мутахассислари олдига қатор вазифаларни қўяди.

Республикамызда спорт турлари бўйича спорт захираси ва юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаш, спорти турлари бўйича болалар тренерларини тайёрлаш ва селекция ишларини йўлга қўйиш, спорт муассасалари тренерлари ва ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. “Спортчиларни танлаб олиш - селекция ишларини такомиллаштириш бўйича янги тизим жорий этилиб, бу ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади”¹. Спорт соҳасида, жумладан, сузиш спорти бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилиши билан бир қаторда сузиш спортининг оммавийлигини ошириш, ёшларни ушбу спорт турига кенг жалб қилиш, селекция ва саралаш ишлари бўйича илмий-услубий қўлланмалар яратиш, Ўзбекистон терма жамоаларига ёш иқтидорли, қобилиятли спортчиларни етказиб бериш каби ўз ечимини кутаётган кўплаб муаммолар мавжуд. Бугунги кунда сузувчиларни тайёрлашнинг дастлабки тайёргарлик босқичида иқтидорли спортчиларни саралашни илмий тадқиқ

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда”ги нутқи 2018 йил 21 сентябрь “Халқ сўзи” газетаси 1-2 бет

қилиш ҳамда илмий асосда ташкил этиш зарурати юзага чиқмоқда. Спорт амалиётида олий спорт ютуқларига вақтидан олдин эришиш билан боғлиқ салбий тенденция кузатилмоқда. Спорт амалиётида бундай ёндашув сузувчиларни саралаш ва кўп йиллик тайёргарликнинг босқич ва даврларида такомиллашиш тамойилларининг бузилишига олиб келаётганидан далолат беради ва диссертация ишининг танланган йўналиши долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 333-сон “Сузиш спорт турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда бу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтидорли спортчиларни саралаш ҳамда рақобатбардош сузувчиларни тайёрлаш, айниқса, дастлабки ихтисослик босқичида шуғулланувчи сузувчиларнинг ўқув машғулотлар жараёнига янгича илмий-назарий ёндашиш муҳим муаммолар қаторига киради. Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида бир қатор маҳаллий олимлар илмий изланишлар олиб борган (О. Собирова 1991, Ф.А. Керимов, М.Н. Умаров 2005, Г.М. Краснова 2008, А.Г. Садиков 2009, А.Г. Садиков 2015, Р.Р. Салимгареева 2016)².

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида ўрганилаётган мавзу бўйича олиб борилган бир қатор тадқиқотлар (Н.Ж. Булгакова 1986, С.А. Федоров 1998, В.Н. Платонов 2000, Т.М. Воеводина 2003, В.Ю. Давыдов, В.Б. Авдиенко 2012, В.Б. Иссурин 2017, Т.С. Тимакова 2018 ва б.)³ ҳозирги кунда соҳада қўлланилиб келинмоқда.

² Собирова О. “Сузиш” Дарслик. Т.:1991; Керимов Ф.А., Умаров М.Н. Спортда прогнозлаштириш ва моделлаштириш. Дарслик. Т.: 2005. Г.М.Краснова Формирование профессиональных знаний и умений по плаванию у студентов института физической культуры: Автореф. дис. канд. пед. наук. 2009; Садиков А.Г. Интенсификация процесса подготовки юных пловцов учебно-тренировочных групп 13-15 лет. Автореф. дис. канд. пед. наук. Т.: 2009; Садиков А.Г. Ёш сузувчиларнинг тайёргарлик босқичларидаги машғулот юкламаларини режалаштириш Т: “Фан ва технология” 2015; Салимгареева Р.Р. Кўп йиллик тайёргарлик тизимида сузувчиларни саралаш ва йўналтириш. Т.: ЎзДЖТИ нашриёт бўлими 2016;

³ Булгакова Н.Ж. Отбор и подготовка юных пловцов. М.: Физкультура и спорт, 1986; Федоров С.А. Оценка перспективности юных пловцов при отборе в учебно-тренировочные группы спортивных школ: Автореф. дис. канд. пед. наук. 1998; Платонов В.Н. Плавание //Учебник для студентов ВУЗов физического воспитания и спорта/ Киев:

Сузиш спортида юқори натижаларга эришган Америка Қўшма Штатлари, Австралия, Жанубий Африка Республикаси каби узоқ чет эл ва Европа мамлакатларида соҳа олимлари (Gennadius Sokolovas 2017) томонидан кўплаб изланишлар олиб борилган.⁴

Олиб борилган тизимли тадқиқотларга қарамасдан сузиш спортида натижаларнинг шиддат билан ўсиши, рекорд натижаларнинг тез-тез янгиланиб туриши бу соҳада янги замонавий ёндашув ҳамда қўшимча илмий, илмий-услубий ишланмаларни яратишни талаб қилади.

Диссертация тадқиқоти бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасидаги V-1-28 “Республикадаги спорт таълим муассасаларда сув спорти ва эшкак эшиш турлари бўйича тарбияланувчи ёшларнинг тайргарлик тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги фундаментал лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёш сузувчиларни дастлабки ихтисослик босқичида саралаш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни инобатга олган ҳолда саралаш тизими ва тайёргарлик жараёни мувофиқлигини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дастлабки ихтисослик босқичида шуғулланувчи иқтидорли сузувчиларни саралаш ва йўналтириш бўйича маҳаллий ва ҳорижий мутахассислар тажрибасини ўрганиш;

дастлабки ихтисослик босқичида шуғулланувчи иқтидорли сузувчиларни саралашга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни таснифлаш;

дастлабки ихтисослик босқичида шуғулланувчи ёш сузувчиларни сузиш ихтисосликларга саралашда организмнинг зўриқиш ва қайта тикланиш имкониятлардан келиб чиқиб саралаш услубиятини такомиллаштириш;

11-13 ёшли сузувчиларнинг ёш тоифаси бўйича кўп йиллик тайёргарликнинг меъёрий талабларини ишлаб чиқиш;

дастлабки ихтисослик босқичида шуғулланувчи ёш сузувчилар тайёргарлик жараёнининг саралаш тизимга йўналтирилган янги модел ишлаб чиқиш ва самарадорлигини экспериментда асослаш.

Тадқиқотнинг объекти Бектемир туманидаги № 1, М.Улуғбек туманидаги № 1 ва Яшнабод туманидаги № 2 болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда Чирчиқ ихтисослашган олимпия заҳиралари мактаб-интернатида шуғулланувчи сузувчилар билан олиб бориладиган ўқув машғулот жараёни ҳисобланади.

Олимпийская литература, 2000; Воеводина Т.М. Физические детерминанты отбора и ориентации пловцов на начальных этапах спортивной подготовки: Автореф. дис. канд. пед. наук: 13.00.04: Самара, 2003; Давыдов В.Ю., Авдиенко В.Б. Отбор и ориентация пловцов по показателям телосложения в системе многолетней подготовки (Теоретические и практические аспекты) Монография - Волгоград: ВГАФК, 2012; Иссурин В.Б. Спортивный талант: прогноз и реализация. Монография. М.: Спорт, 2017; Тимакова Т.С. Факторы спортивного отбора или кто становится олимпийским чемпионом: Монография. М: Спорт-2018,

4 Gennadius Sokolovas Scientific system “Talant ID”. Scientific aids 2017

Тадқиқотнинг предмети дастлабки ихтисослик босқичида шуғулланувчи сузувчиларнинг тайёргарлик жараёни ҳамда уларнинг саралаш ва йўналтириш тизимига мувофиқлигидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, анкета сўровномаси, эксперт баҳолаш, моделлаштириш, пульсометрия, педагогик тажриба, математик статистика услублари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дастлабки ихтисослик босқичидаги ёш сузувчиларни саралашда спорт муваффақиятини белгиловчи омилларнинг таъсир кўрсатиш даражасини тизимлаштириш ҳисобига саралашнинг мажмуавий таснифи ишлаб чиқилган;

ёш сузувчиларни саралаш тизими самарадорлигини оширишда кўкракда крол усулида кўрсатган натижаларнинг намунавий чегараси организмнинг зўриқиш ва қайта тикланиш имкониятлари ҳисобига дастлабки ихтисослик босқичида саралаш услубияти такомиллаштирилган;

11-13 ёшли сузувчилар нисбий чидамкорлик кўрсаткичлари асосида ҳар бир ёш бўйича тренировка юкламалар нисбатини мослаштириш ҳисобига кўп йиллик тайёргарликнинг меъёрий талаблари ишлаб чиқилган;

ёш сузувчиларни дастлабки ихтисослик босқичида спорт натижаларининг биологик етилишига мос равишда машғулотни бошқаришнинг бўғимлардаги ҳаракатчанлик ва эгилувчанлик сифатларни доимий ўзгариши ҳисобига техник тайёргарликка йўналтирилган янги модел яратилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёш сузувчиларни дастлабки ихтисослик босқичига саралаш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар, яъни антропометрик кўрсаткичлар, шуғулланувчиларнинг техник тайёргарлиги омили ва шуғулланувчиларнинг жисмоний сифатлари ривожланиши омилини инобатга олиб саралаш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган восита ва услублари сузувчиларни кўп йиллик тайёргарлиги жараёнида қўлланилиши мумкин;

ишлаб чиқилган илмий-назарий материаллар, ёш сузувчиларни саралаш услубияти, инструментал услуб, махсус машқлардан фойдаланиш усуллари ва дастурлари, шунингдек, ёш сузувчиларни дастлабки ихтисослик босқичига саралаш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий ҳамда амалий тавсиялардан спортчиларни саралаш жараёни учун янги ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндашув жисмоний тарбия машғулотлари назарияси ва услубияти соҳасидаги хорижий ҳамда республикамиз олимларининг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг ҳамда олинган натижаларининг

математик-статистик таҳлил услублари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган педагогик тажрибаларда олинган натижалар асосида ёш сузувчиларни дастлабки тайёргарлик босқичига саралаш воситалари ва услубларини мақсадли такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилди ҳамда уларни қўллаш самарадорлигини илмий моҳияти очиб берилди. Тадқиқотлар давомида ёш сузувчиларни саралашда антропометрик кўрсаткичлар, шуғулланувчиларнинг техник тайёргарлиги омили ва уларнинг жисмоний сифатлари ривожланиш омили ўртасида ўзаро боғлиқлик борлиги амалиётда исботланди. Мазкур олинган маълумотлар ёш сузувчиларни саралаш соҳасидаги назарий билимларни бойитиш ва кенгайтириш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаб интернатларига ёш сузувчиларни саралашда, спорт ютуқларини қисқа муддатли ва ўрта муддатли башорат қилишда, антропометрик кўрсаткичлар, шуғулланувчиларнинг техник тайёргарлиги омили ва уларнинг жисмоний сифатлари ривожланиш омили асосида зарур даражада ишончли башорат қилиш имконини берувчи спорт яроқлилигини мажмуали педагогик баҳолашда, спорт мактабларидга тадбиқ қилинадиган дастурий-меъёрий ҳужжатларни тузиш ва ишлаб чиқишда амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ёш сузувчиларни саралаш самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

ёш сузувчиларни дастлабки ихтисослик босқичига саралаш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар таснифи бўйича таклифлар “Сузишни ўргатиш методикаси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил 31 майдаги қарори асосида берилган 237-291 рақамли гувоҳномаси). Натижада, тавсифланган омиллардан шуғулланувчиларнинг антропометрик кўрсаткичлари, жисмоний ва техник тайёргарлиги омиллари орасидаги юқори корреляцион боғлиқликнинг (Пирсон шкаласи бўйича мос равишда 0,72%, 0,68% ва 0,65%) мавжудлиги аниқланди.

ёш сузувчиларни кўкракда крол усулида кўрсатган натижаларнинг намунавий чегарасини аниқлаш услубияти бўйича таклифлар “Сузишни ўргатиш методикаси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил 31 майдаги қарори асосида берилган 237-291 рақамли гувоҳномаси). Натижада, сузувчиларни саралаш бўйича 15 та кўрсаткичдан иборат намунавий модель ҳамда 50 м ва 100 м масофага кўкракда крол усулида сузишга ихтисослашган спортчилар учун

спорт натижалари бўйича намунавий моделни қўллаш асосида ўқув-тренировка гуруҳларидаги сузувчиларни ҳар хил сузиш ихтисосликларига саралаш ва йўналтириш имкониятлари оширилди.

кўкракда крол усулида сузувчилар жисмоний ва техник тайёргарлигига йўналтирилган машқлар мажмуаси ва унинг қўллаш меъёри бўйича таклифлар “Сузишни ўргатиш методикаси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил 31 майдаги қарори асосида берилган 237-291 рақамли гувоҳномаси). Натижада, ўқув-тренировка гуруҳида шуғулланувчиларнинг жисмоний ва техник тайёргарлигини яхшилаш орқали уларнинг натижалари яхшиланишига, яъни 50 метр масофани тўлиқ координацияда сузиш вақти тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 5,39% га яхшилангани (ишончлилиқ даражаси $p < 0,05$) кузатилди.

ёш сузувчиларни дастлабки ихтисослик босқичида саралаш бўйича иқтидорли спортчиларни саралаш дастури ва саралаш модели бўйича таклифлар “Сузишни ўргатиш методикаси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил 31 майдаги қарори асосида берилган 237-291 рақамли гувоҳномаси). Натижада, дастлабки ихтисослик босқичидаги сузувчиларнинг ҳафталик машғулот дастури қуруқликда ва сувда бажариладиган машқларни қўллаш асосида оптималлаштирилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 8 та, жумладан, 3 та халқаро, 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларида 4 та мақола (3 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб, 126 саҳифали матн, 10 та расм, 28 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва унинг зарурати, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, диссертациянинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, тадқиқотдан олинган натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот

натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ҳамда уларнинг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ёш сузувчиларни дастлабки ихтисослик босқичида саралаш ва йўналтириш муаммолари”** деб номланган биринчи бобида ёш сузувчиларни саралаш ва йўналтиришнинг замонавий муаммолари, саралаш босқичлари, саралаш восита ва услублари, сузувчиларни саралаш ва йўналтиришнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича мавжуд илмий-методик адабиётларни таҳлил қилиш орқали ёритилган. Бир қатор чет эл ва маҳаллий олимлар [В.Н.Платонов, Н.Ж.Булгакова, Т.М.Воеводина, Г.М.Краснова, В.Б.Иссурин, А.Г.Садиков Т.С.Тимакова] спортда, шу жумладан, сузиш спортида саралаш асослари ва уни такомиллаштиришда шуғулланувчиларнинг модель тавсифномаларини ишлаб чиқиш, морфофункционал кўрсаткичлар, жисмоний сифатларнинг ривожланиши ва самарали техник тайёргарлик юқори натижаларга эришиш учун етакчи омил эканлигини таъкидлаган. Баъзи мутахассисларнинг [В.Н.Платонов, Н.Ж.Булгакова, А.Г.Садиков] фикрига кўра, спортда, жумладан сузиш спортида иқтидорли спорчиларни саралашда саралаш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи барча омилларни комплекс ривожлантириш ва бу жараёнга муҳим тадбир сифатида қарашни мақсадга мувофиқ деб билишади.

Қиёсий таҳлиллар натижасида, ҳозирги вақтда ёш сузувчиларни саралашда қўлланилаётган технологиялар стандарт услублардан иборат бўлиб, сузувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш ва техник тайёргарлигини такомиллаштиришда фақатгина сувдаги ёки куруқликдаги машқлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш саралаш ва тайёргарлик вазифаларини тўлиқ ҳал қилиш имконини бермаслиги, мазкур йўналиш бўйича илмий тадқиқотлар етарли эмаслиги ва тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаганлиги очиқ берилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот жараёнининг услублари ва унинг ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олдида қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили, анкета-сўров, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, пульсометрия, инструментал усуллар, тадқиқотни амалга ошириш бўйича педагогик тажрибалар, тадқиқотни ташкил қилиниши, олинган материалларни қайта ишлаш бўйича математик статистика усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда биз томондан 11-13 ёшли 50 м ва 100 м масофага кўкракда крол усулида сузувчилар учун дастур, намунавий модель ва махсус машқлар мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Тадқиқотлар 2017-2020 йиллар давомида 3 та босқичда амалга оширилди.

Биринчи босқич, таҳлилий-изланиш, 2017-2018 йиллар давомида олиб борилди. Мазкур босқичда диссертация ишининг асосий тушунчалари белгилаб олинди, ишчи гипотеза шакллантирилди. Изланиш мавзуси бўйича психологик-педагогик маълумотларни ўрганиш, умумлаштириш ва тизимлаш

амалга оширилди. Маҳаллий ва хорижий манбааларда муаммонинг ўрганилганлик ва ишланганлик даражаси аниқланди. Танланган контингентнинг дастлабки синов кўрсаткичлари олинди, батафсил таҳлил қилинди.


Бу босқичда назарий таҳлил, қиёслаш, тажрибани умумлаштириш, кузатув, сўровнома (тест, анкета сўрови, суҳбат), ҳужжатлар билан ишлаш, моделлаштириш каби тадқиқот услубларидан фойдаланилди.

Иккинчи босқич (2018-2019 йиллар) – Республикадаги 72 та сузиш бўйича мураббийлардан анкета сўрови ўтказилди ҳамда Тошкент шаҳридаги бир нечта болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқув-тренировка гуруҳларида шуғулланувчи (11-13 ёшли ўғил болалар) сузувчиларни морфофункционал, жисмоний ривожланиш ва техник кўрсаткичлари ҳамда спорт натижалари асосида саралашнинг мажмуавий мезонлари ишлаб чиқилди.

Сузиш бўйича етакчи чет эл спортчилари натижалари асосида 50 м га ва 100 м га кўкракда крол усулида сузувчилар учун спорт натижалари асосида оптимал модель ишлаб чиқилди. Модель кўрсаткичлари асосида маҳаллий спортчиларнинг натижалари таҳлил қилиниб, тайёргарлик жараёнида янгиланган дастур бўйича машғулотлар олиб борилди.

Учинчи босқич (2019-2020 йиллар) – педагогик тажриба. Танлаб олинган сузувчиларни саралашнинг мажмуавий мезони ҳамда қисқа масофага сузувчилар учун модель такомиллаштирилди ва амалиётга татбиқ этилди. Тадқиқотда иштирок этган дастлабки ихтисослик босқичидаги сузувчиларнинг дастлабки ва якуний кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш орқали саралашнинг комплекс баҳолаш модели самарадорлиги асосланди.

Диссертациянинг «**Ёш сузувчилар спорт муваффақиятини белгиловчи омиллар**» деб номланган учинчи бобда илмий, илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш ва соҳа бўйича етакчи мутахассислардан иборат экспертлар гуруҳи ва республиканинг ҳар хил ҳудудларида фаолият юритувчи сузиш бўйича тренерлар билан ҳамкорликда ёш сузувчиларни дастлабки ихтисослик босқичига саралашга таъсир кўрсатувчи омилларни таснифлаб чиқилди (1-расмга қаранг). Бунга кўра сузувчиларни саралашга генетик омиллар: отасининг сузиш спорти билан шуғулланганлиги, онасининг сузиш спорти билан шуғулланганлиги, сузиш билан шуғулланишга генетик мойиллик, таянч ҳаракат аппаратининг сузиш билан шуғулланишга мойиллиги ва мускул тўқимасининг циклик иш билан шуғулланишга мувофиқлиги; техник тайёргарлик омили: сузувчанлик, қўл ҳаракати техникаси, оёқ ҳаракати техникаси, нафас олиш техникаси, тўлиқ координацияда сузиш техникаси ҳамда старт ва бурилиш техникаси; жисмоний сифатларнинг ривожланиш омили: тезкорлик сифатлари, бўғимлардаги ҳаракатчанлик, координацион қобилиятлар, умумий чидамкорлик, портловчи куч ва куч чидамкорлиги; антропометрик омиллар: тана узунлиги, тана вазни, қўл узунлиги, оёқ узунлиги, оёқ кафти узунлиги ва



1-расм. 11-13 ёшли сузувчиларни дастлабки ихтисослик босқичига саралашга таъсир кўрсатувчи омиллар таснифи

кўл кафти узунлиги; психологик омиллар: темперамент, характер, иродавий сифатлар, мотив, ёшга хос психологик хусусиятлар ва шахсий инсоний фазилатлар; ижтимоий-иқтисодий омиллар: тренерларнинг профессионалиги, иқтисодий таъминот, жамиятда сузиш спортга бўлган эътибор, шуғулланувчилар ва ота-онасининг саводи, спорт тури географияси ва спорт тури орқали рағбатлантириш таъсир кўрсатиши аниқланди.

Таснифланган омилларнинг корреляцион боғлиқлигини Пирсон корреляция коэффиценти асосида Чеддок шкаласи ёрдамида уларнинг боғлиқлиги аниқланди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Кўрсаткичларнинг корреляцион боғлиқлик коэффицентини аниқлаш (Пирсон шкаласи бўйича)


т/р	Саралашга таъсир кўрсатувчи омиллар	Омилларнинг боғлиқлиги
1.	Морфоункционал омиллар	0,72
2.	Жисмоний сифатларнинг ривожланиш омили	0,68
3.	Техник тайёргарлик омили	0,65
4.	Психологик омиллар	0,48
5.	Генетик (ирсий) омиллар	0,47
6.	Ижтимоий омиллар	0,42

Пирсон корреляция коэффиценти асосида саралашга таъсир кўрсатувчи антропометрик омиллар, жисмоний сифатларнинг ривожланиш омили ва техник тайёргарлик омили орасида юқори корреляцион боғлиқликнинг мавжудлиги аниқланди. Шу сабабли биз тадқиқотимизда тренировка таъсирида тез ўзгарувчан техник тайёргарлик ва жисмоний сифатларнинг ривожланиш омилини болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида шуғулланувчи сузувчиларда тажриба орқали илмий асослашни назарда тутдик. Антропометрик омилларнинг спорт натижаларига таъсирини педагогик кузатувлар натижасида таҳлил қилиб бордик.

Сузиш усуллари ва ихтисосликларига тавсия этилаётган антропометрик модель бўйи баланд, оёқ-кўллари узун, озғин, оёқ панжаси катта ва катта ҳажмдаги ўпканинг тириклик сифимига эга спортчилар бошқа сузувчиларга нисбатан устиворлигини кўрсатади. Бу илмий асосланган модель яхлит холда ўзининг интуицияси, кўп йиллик тажрибаси ва соғлом фикри эвазига иқтидорли сузувчиларни аниқловчи юқори малакали мураббийлар томонидан илгари суриладиган фикрларнинг исботи ҳисобланади.

Сузиш спортида янги шуғулланувчининг катта ёшда бўйи қандай бўлишини башорат қилиш спорт натижаларини башорат қилишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, шуғулланувчининг бўйига мос равишда сузиш спорти учун муҳим бўлган спортчи танасининг бўғинлари (кўл, оёқ, гавда, оёқ панжаси) мувофиқлиги спорт натижаларига бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, бола 12 ёшда ўзининг келажакдаги 86% бўйи ўсишига эришади. Башорат қилиш жараёнида олинган натижаларни яқуний натижа деб эмас, кутилаётган натижа деб қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, тадқиқотимизда 20 дан ортиқ халқаро тоифадаги спорт усталарининг спорт натижаларини таҳлил қилиш орқали биз спорт натижалари ва тайёргарлик йўналишини бошқариш учун 50 м га ва 100 м га кўкракда крол усулида сузувчилар (ўғил болалар) учун намунавий модель ишлаб чиқдик.




2-расм. 50 м га кўкракда крол усулида сузишга ихтисослашган спортчилар учун намунавий модель

50 м га кўкракда крол усулида сузишга ихтисослашган спортчилар натижалари асосида намунавий модель берилган. Кўриниб турибдики, кўп йиллик тайёргарлик жараёнида 11-13 ёшда сузувчилар натижаларининг кескин ошиши ва 17 ёшдан кейин эса спорт натижаларининг секин ўсишини кузатиш мумкин. Биз ишлаб чиққан моделга асосан сузувчилар натижаларини ва тайёргарлик жараёнини бошқариш учун 11 ёшли кўкракда крол усулида сузишга ихтисослашган спортчилар 26,4 сониядан 33,0 сония оралиғидаги натижага эришиши зарур. Кейинчалик оптимал нисбий чидамкорликни сақлаган ҳолда спортчи ёши улғайгани сари спортчининг натижалари модель кўрсаткичлар асосида бошқарилади (2 расмга қаранг).

100 м га кўкракда крол усулида сузишга ихтисослашган спортчилар натижалари асосида намунавий модель берилган. Кўп йиллик тайёргарлик жараёнида 11-13 ёшда сузувчилар натижаларининг кескин ошиши ва 17 ёшдан кейин эса спорт натижаларининг секин ўсишини кузатиш мумкин. Биз ишлаб чиққан моделга асосан сузувчилар натижаларини ва тайёргарлик жараёнини бошқариш учун 11 ёшли кўкракда крол усулида 100 м га сузишга ихтисослашган спортчилар 58,63 сониядан 1:04,25 сония оралиғидаги натижага эришиши зарур (3-расмга қаранг).

Кейинчалик оптимал нисбий чидамкорликни сақлаган ҳолда спортчи ёши улғайгани сари спортчининг натижалари модель кўрсаткичлар асосида бошқарилади. Кўп йиллик тайёргарликни ташкил қилиш ва бошқаришда тренировка юктамалари йўналишини шуғулланувчиларнинг биологик ривожланишига қатъий амал қилиш спорт натижаларининг яхшиланишига хизмат қилади. Яъни, шуғулланувчи организми кескин ўсиш ёши ўғил

болаларда 13-14 ёшни ташкил қилишини ҳисобга олиб тренировка юкламаларини бошқариш зарур.



3-расм. 100 м га кўкракда крол усулида сузишга ихтисослашган спортчилар учун намунавий модель

Педагогик тадқиқот жараёни узоқ давом этганлиги сабабли биз ёш сузувчиларни дастлабки ихтисослик босқичида саралашга юқори даражада таъсир кўрсатувчи техник тайёргарлик ва жисмоний сифатларни самарали ошириш орқали спорт натижаларини яхшилашга йўналтирилган дастур ишлаб чиқдик.

Машғулот дастурида ҳафта кунлар бўйича сузувчиларнинг ҳар хил тайёргарлик турларига мулжалланган куруқликда ва сувда машқлар йўналишлари берилган. Куруқликдаги машқлар асосан бўғимлардаги ҳаракатчанлик ва эгилувчанликка йўналтирилган бўлса, сувдаги машқлар техник тайёргарлик, жимоний сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, сузувчиларнинг жисмоний сифатларини мажмуали, яъни барча жисмоний сифатларни бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожлантириш келажакда спортчилар натижаларининг сезиларли даражада ўсишига олиб келади.

Машғулот дастурининг дастлабки босқичи учун (2-жадвалга қаранг) ва якуний босқичи учун (3-жадвалга қаранг) машқлар мажмуасини асосий мазмуни келтирилган. Ишлаб чиқилган дастур ва машқлар мажмуаси дастлабки ихтисослик босқичида шуғулланувчи ёш сузувчилар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаш услубиятини такомиллаштириш учун бир йил давомида машғулот жараёнига тадбиқ қилинди.

Кўриш мумкинки, мажмуада техник ва жисмоний тайёргарликни оширишга йўналтирилган куруқликдаги ва сувдаги машқларни ўз ичига олган. Ҳафта кунлари бўйича машғулотларга мўлжалланган машқларнинг меъёрлари, шиддат зоналари, уларнинг йўналишлари батафсил ёритилган.

2-жадвал
11-13 ёшли сузувчилар учун ишлаб чиқилган дастурнинг дастлабки босқичига мўлжалланган машқлар мажмуаси

Хафта кунлари	Техник тайёрларлик	Меъёр	Шиддат зонаси	Жисмоний тайёрларлик	Меъёр	Шиддат зонаси
Душанба	1. Қўлларни олдинга-орига айлантириш 2. Оёқ панжаси билан 10 зарба ўнг ён билан, 10 зарба кўкракда, 10 зарба чап ён билан, 10 зарба чап ён билан сузиш 3. Қўлларни чўзиб фақат оёқ ҳаракати билан 6 зарбада бир томондан, 6 зарбада иккинчи томондан нафас олиб сузиш 4. Қўл учун махсус мослама (лопатка) билан 6 та оёқ зарбасида битта қўл ҳаракати билан сузиш	40-50 мар. 200 м 200 м 200 м	I II I II	1. Скамейкада ўтирган ҳолда оёқларни букчиб ёзиш 2. Оёқларни чўзиб ўтирган ҳолда олдинга эгилиб маълум вақт ушлаб туриш (пешона тиззага тегиши лозим) 3. Кўкракда крол усулида (R-1'10'') сузиш 4. Ўзгарувчан усулда ўз усулида сузиш (2,5 м V зона, 2,5 м эркин)	10 марта 30'' 8X50 м 200 м	II III V
	1. Оёқ панжасини эластик жгут ёрдамида ичкарига буриш 2. Оёқ учун махсус мослама (ласта) билан қўлларни олдинга чўзиб сузиш 3. Ўнг (чап) қўлни олдинга чўзиб фақат оёқ ҳаракати билан чап (ўнг) томондан нафас олиб сузиш 4. Қўлни мушт қилиб сузиш	20 мар. 200 м 8x25 м 200 м	II II II II	1. Полга таяниб қўлларни букчиб ёзиш 2. Швед деворини эгилиб ушлаган ҳолда чўзилиш машқи 3. Эркин усулда (интервал 40'') сузиш (сериялар орасидаги интервал 1') 4. Эркин усулда натижани яхшилаб сузиш (1 дан 4 гача)	10 марта 8-10 марта 2x(4X25м) 4x50 м	II I V III-V
Сешанба	1. Қўлларни олдинга-орига айлантириш 2. Бассейннинг чуқур жойида тик турган ҳолда крол усулида оёқ ҳаракатини бажариш 3. 3, 5, 7, 9 эшиш ҳаракатидан кейин нафас олиш 4. Тирсак бўғимини энг юқори ҳолатида ушлаб туриш орақали сузиш (хар икки томондан)	40-50 мар. 1 дақика 8x25 м 200 м	II III II I	1. Тик турган ҳолда 1 кг гантелини ён томонга кўтариш 2. Қўлларни орақда кулф қилиб олдинга эгилиш 3. Колобашкани оёқлар орасига сикчиб фақат қўл ҳаракати билан крол усулида сузиш (R-1'20'') 4. Оёқ учун махсус мослама билан тўлиқ координацияда ўз усулида сузиш (интервал 30'')	10 марта 10-12 мар. 4x50 м 4x100 м	II IV III III
Чоршанба	1. Оёқ панжасини эластик жгут ёрдамида ичкарига буриш 2. Тик туриб тирсак бўғимини 90° букчилган ҳолда эластик жгутни ташқарига тортиш 3. Колобашкани оёқлар орасига сикчиб, қўлда тахтачани ушлаб бошини кўтарган ҳолда оёқ ҳаракати билан сузиш 4. Қўл эшиш ҳаракатини санаб тўлиқ координацияда сузиш	20 мар. 10-12 мар. 100 м 6x25 м	II II I II	1. Эластик жгутни қўллар билан тортиш (сериялар орасида 3 дақика дам олиш) 2. Қўллар бош ортида ўтириб-туриш 3. Қўлларда тахтача, фақат оёқ ҳаракати билан ўз усулида сузиш (R-1'30'') 4. Ўз усулида сузиш (R-50'')	2x3 дақ. 20 марта 4x50 м 10x25 м	IV III III V
Пайшанба	1. Қўлларни олдинга-орига айлантириш 2. Оёқ учун махсус мослама (ласта) билан қўлларни олдинга чўзиб сузиш 3. Қўллар ёнда 6 оёқ зарбасидан кейин ўнг (чап) гомондан нафас олиб сузиш 4. Қисқартирилган (кўкрак қафасига) эшиш ҳаракати билан сузиш	40-50 мар. 200 м 200 м 200 м	II II II II	1. Полга таяниб қўлларни букчиб ёзиш 2. Ўтирган ҳолатдан сакраб чапак чапиб сакраш 3. Эркин усулда нафасни ушлаб турган ҳолда сузиш (R-60'') 4. Старддан ўз усулида сузиш (интервал 45'')	10 марта 10-12 мар. 10x25 м 4x100 м	II II V III
Жума	1. Қўлларни олдинга-орига айлантириш 2. Оёқ учун махсус мослама (ласта) билан қўлларни олдинга чўзиб сузиш 3. Қўллар ёнда 6 оёқ зарбасидан кейин ўнг (чап) гомондан нафас олиб сузиш 4. Қисқартирилган (кўкрак қафасига) эшиш ҳаракати билан сузиш	20 марта 200 м 4x25 м 200 м	II I I I	1. Кўкракда (чалқанча) ётган ҳолда оёқларда крол усули ҳаракатини бажариш (интервал 30'') 2. Кўкракда (чалқанча) ётган ҳолда қўлларда крол усули ҳаракатини бажариш (интервал 30'') 3. Оёқ ҳаракати билан тезликка сузиш 4. Қўл ҳаракати билан тезликка сузиш	4x1 дақ. 4x1 дақ. 50 м 50 м 50 м	II II V V V
Шанба	1. Оёқ панжасини эластик жгут ёрдамида ичкарига буриш 2. Қўлда тахтача ёрдамида фақат оёқ ҳаракати билан сузиш 3. Ўнг (чап) қўл ёнда чап (ўнг) қўл ҳаракати билан 3 та эшиш ҳаракатидан кейин нафас олиб сузиш 4. Колобашкани оёқлар орасига сикчиб фақат қўл ҳаракати билан сузиш. 5. Эркин усулда тикланиш учун сузиш	200 м	-	5. Стард тумбасидан тезликка сузиш	100 м	V

3-жадвал
11-13 ёшли сузувчилар учун ишлаб чиқилган дастурнинг якуний босқичига мўлжалланган машқлар мажмуаси

Хафта кунлари	Техник тайёргарлик	Меъёр	Шиддат зонаси	Жисмоний тайёргарлик	Меъёр	Шиддат зонаси
Душанба	<ol style="list-style-type: none"> Оёқ панжасини эластик жгут ёрдамида ичкарига буриш Оёқ панжаси билан 8 зарба ўнг ён билан, 8 зарба кўкракда, 8 зарба чап ён билан, 8 зарба чап ён билан сузиш Кўлларни ёнга сикиб факаг оёқ ҳаракати билан 6 зарбада бир томондан, 6 зарбада иккинчи томондан нафас олиб сузиш Ўнг (чап) ён билан сузиш 	<p>2x20 мар. 200 м</p> <p>200 м</p> <p>200 м</p>	<p>I</p> <p>II</p> <p>I</p> <p>II</p>	<ol style="list-style-type: none"> Тик турган ҳолда 1 кг гантелини ён томонга кўтариш Швед деворини эгилиб ушлаган ҳолда чўзилиш машқи Ўз усулида (R-1'10") сузиш Максимал тезликда ўз усулида сузиш 	<p>10 марта</p> <p>10-12 мар. 8x75 м 2x50 м</p>	<p>II</p> <p>III</p> <p>V</p>
Сешанба	<ol style="list-style-type: none"> Кўлларни олдинга-ортга айлантириш Оёқ учун махсус мослама (ласта) билан кўлларни ёнга сикиб сузиш Чалканча қрол усулида бир эшиш ҳаракатида нафас олиб, иккинчи эшиш ҳаракатида нафас чиқариб сузиш Бошни кўтариб тўлиқ координацияда сузиш 	<p>40-50 мар. 200 м</p> <p>200 м</p> <p>200 м</p>	<p>II</p> <p>II</p> <p>II</p> <p>II</p>	<ol style="list-style-type: none"> Полга таяниб кўлларни букчиб ёзиш Оёқларни чўзиб ўтирган ҳолда олдинга эгилиб маълум вақт ушлаб туриш (пепона тиззага тегиши лозим) Ўз усулида сузиш (50mR-1'10"; 25m R-45") Кўл учун махсус мослама (лопатка) билан (бир вақтнинг ўзida эшиш ҳаракатини санаб) ўз усулида сузиш (R-60") 	<p>10 марта 40"</p> <p>2x50m+4x25m 8x25 м</p>	<p>II</p> <p>I</p> <p>IV</p> <p>V</p>
Чоршанба	<ol style="list-style-type: none"> Оёқ панжасини эластик жгут ёрдамида ичкарига буриш Бассейннинг чуқур жойида тик турган ҳолда қрол усулида оёқ ҳаракатини бажариш 5 та эшиш ҳаракатидан кейин нафас олиш Чалканча қрол усулида кўл панжасини энг юқори ҳолатида ушлаб туриш орқали сузиш (ҳар икки томондан) 	<p>2x20 мар. 1 дақика</p> <p>200 м</p> <p>200 м</p>	<p>II</p> <p>III</p> <p>II</p> <p>I</p>	<ol style="list-style-type: none"> Скамейкада ўтирган ҳолда оёқларни букчиб ёзиш Кўлларни орқادا кулф қилиб олдинга эгилиш Қолабашкани оёқлар орасига сикиб факаг кўл ҳаракати билан ўз усулида сузиш (R-1'20") Гидротормоз билан ўз усулида сузиш (интервал 30") 	<p>10 марта 10-12 мар. 4x50 м</p> <p>8x50 м</p>	<p>II</p> <p>IV</p> <p>IV</p>
Пайшанба	<ol style="list-style-type: none"> Тик туриб тирсак бўғимини 90° букчилган ҳолда эластик жгутни ташқарига тортиш Қолобашкани оёқлар орасига сикиб, кўлда тахтачани ушлаб бошни кўтарган ҳолда оёқ ҳаракати билан сузиш Кўл эшиш ҳаракати сонини камайтариб сузиш Оёқ учун махсус мослама (ласта) билан кўлларни олдинга чўзиб сузиш 	<p>20 мар.</p> <p>100 м</p> <p>8x25 м</p> <p>200 м</p>	<p>II</p> <p>II</p> <p>I</p> <p>II</p>	<ol style="list-style-type: none"> Эластик жгутни кўллар билан тортиш (сериялар орасида 3 дақика дам олиш) Кўллар олдинда ўнг ва чап оёққа кетма-кет ўтириш Ўз усулида сузиш 25+75 Брасс усулида сузиш (R-50") 	<p>2x3 дақ.</p> <p>20 марта 400 м 200 м</p>	<p>IV</p> <p>III</p> <p>V-I</p> <p>III</p>
Жума	<ol style="list-style-type: none"> Кўлларни олдинга-ортга айлантириш Оёқ панжаси билан 10 зарба ўнг ён билан, 10 зарба кўкракда, 10 зарба чап ён билан, 10 зарба чап ён билан сузиш Кўллар ёнда 6 оёқ зарбасидан кейин ўнг (чап) томондан нафас олиб сузиш Қисқартирилган (кўкрак қафасига) эшиш ҳаракати билан сузиш 	<p>40-50 мар. 6x25 м</p> <p>200 м</p> <p>200 м</p>	<p>II</p> <p>II</p> <p>II</p> <p>II</p>	<ol style="list-style-type: none"> Кўлларни орқادا кулф қилиб олдинга эгилиш Ўз усулида сузиш (интервал 60") (100+75+50+25) Ўз усулида сузиш (интервал 1'20") Ўз усулида бурилишида тезланиш билан сузиш (интервал 30") 	<p>10 марта 250 м 8x25 м 4x50 м</p>	<p>II</p> <p>IV</p> <p>V</p> <p>IV</p>
Шанба	<ol style="list-style-type: none"> Оёқ панжасини эластик жгут ёрдамида ичкарига буриш Кўлда тахтача ёрдамида факаг оёқ ҳаракати билан барча усулларда сузиш Ўнг (чап) кўл чўзилган чап (ўнг) кўл ҳаракати билан 3 та эшиш ҳаракатидан кейин нафас олиб сузиш Қолобашкани оёқлар орасига сикиб факаг кўл ҳаракати билан сузиш. 	<p>20 марта 200 м</p> <p>4x25 м</p> <p>200 м</p>	<p>II</p> <p>I</p> <p>I</p> <p>I</p>	<ol style="list-style-type: none"> Кўкракда (чалканча) ётган ҳолда оёқларда қрол усули ҳаракатини бажариш (интервал 30") Кўкракда (чалканча) ётган ҳолда кўлларда қрол усули ҳаракатини бажариш (интервал 30") Оёқ ҳаракати билан тезликка сузиш Кўл ҳаракати билан тезликка сузиш Старт тумбасидан тезликка сузиш 	<p>4x1 дақ.</p> <p>4x1 дақ.</p> <p>50 м 50 м 50 м</p>	<p>II</p> <p>II</p> <p>V</p> <p>V</p> <p>V</p>

Мажмуага куруқликда сузиш техникасини яхшилашга йўналтирилган кўлларни олдинга-ортга айлантириш, оёқ панжасини эластик жгут ёрдамида ичкарига буриш, тик туриб тирсак бўғимини 90° букилган ҳолда эластик жгутни ташқарига тортиш каби махсус машқлар танланган бўлса, сувда оёқ панжаси билан 10 зарба ўнг ён билан, 10 зарба кўкракда, 10 зарба чап ён билан, 10 зарба чап ён билан сузиш, кўлларни чўзиб фақат оёқ ҳаракати билан 6 зарбада бир томондан, 6 зарбада иккинчи томондан нафас олиб сузиш, кўл учун махсус мослама (лопатка) билан 6 та оёқ зарбасида битта кўл ҳаракати билан сузиш, оёқ учун махсус мослама (ласта) билан кўлларни олдинга чўзиб сузиш, кўлни мушт қилиб сузиш, бассейннинг чуқур жойида тик турган ҳолда крол усулида оёқ ҳаракатини бажариш, 3,5,7,9 кўл билан эшиш ҳаракатидан кейин нафас олиш, колобашкани оёқлар орасига сиқиб, кўлда тахтачани ушлаб бошни кўтарган ҳолда оёқ ҳаракати билан сузиш, кўл билан эшиш ҳаракатини санаб тўлиқ координацияда сузиш каби машқлар танланган.

Жисмоний сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган куруқликда бажариш учун скамейкада ўтирган ҳолда оёқларни букиб ёзиш, полга таяниб кўлларни букиб ёзиш, тик турган ҳолда 1 кг гантелни ён томонга кўтариш, эластик жгутни кўллар билан тортиш, сувда бажариш учун колобашкани оёқлар орасига сиқиб фақат кўл ҳаракати билан крол усулида сузиш, оёқ учун махсус мослама билан тўлиқ координацияда ўз усулида сузиш, кўлларда тахтача, фақат оёқ ҳаракати билан ўз усулида сузиш, эркин усулда нафасни ушлаб турган ҳолда сузиш, стартдан ўз усулида сузиш ва шунга ўхшаш машқлар танланган. Шанба кунлари тайёргарлик даражасини таҳлил қилиб бориш мақсадида махсус назорат машқлари танланган.

Диссертациянинг **“Дастлабки ихтисослик босқичида ёш сузувчиларни саралаш механизмини такомиллаштириш”** деб номланган тўртинчи бобида ёш сузувчиларни дастлабки ихтисослик босқичига саралаш самарадорлигини такомиллаштириш учун тадбиқ қилинган дастур ва машқлар мажмуаси ҳамда ишлаб чиқилган намунавий моделларнинг самарадорлиги тадқиқотлардан олдин ва кейинги кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили баён қилинган.

Тадқиқотларимизда сузувчиларнинг тайёргарлик жараёнида нисбий чидамкорлик кўрсаткичидан фойдаландик. Нисбий чидамкорлик кўрсаткичини шуғулланувчининг катта масофада сузган натижасини қисқа масофага сузган натижасига бўлиш орқали аниқладик (4 ва 5-жадвалга қаранг). Сузиш спорти билан шуғулланувчи ҳар хил ёшдаги 74 та ўғил болалар ва 44 та қиз болалар тренировка кундаликларини ва сузиш спортида юқори натижаларга эришган спортчилар маълумотларини таҳлил қилиш натижасида оптимал нисбий чидамкорликни аниқлаб олдик. Бу нисбий чидамкорлик кўрсаткичи асосида тренировка жараёнини бошқариш орқали сузувчиларни ихтисосликларга йўналтиришда натижадорлик даражаси янада ошди. Бундан ташқари, биологик ривожланиши жиҳатдан меъёрида, эрта ва

кеч бўлган спортчилар учун кўп йиллик тайёргарликни ташкил қилишда йиллик юклама миқдорларини аниқладик.

4-жадвал

Оптималь нисбий чидамкорлик кўрсаткичлари (кўкракда крол усули, ўғил болалар n=74)

Танланган ихтисослик (масофа, м)	Нисбий чидамкорлик 1-коэффициент			Нисбий чидамкорлик 2-коэффициент		
	Аниқлаш тартиби	Нисбий чидамкорлик		Аниқлаш тартиби	Нисбий чидамкорлик	
		\bar{x}	σ		\bar{x}	σ
50	100/50	2,237	0,033	-	-	-
100	100/50	2,185	0,020	200/100	2,217	0,030
200	200/100	2,167	0,021	400/200	2,126	0,023
400	400/200	2,091	0,032	1500/400	3,962	0,030
1500	1500/400	3,903	0,036	-	-	-

